

ШАРТНОМА № 1

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

"24" 08 2022 йил

Учкўприк тумани

Учкўприк тумани МТБ мудири Гулчехрахон Хамидова бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи, иккинчи томондан "ООО M-SANTEX PLUS" МЧЖ рахбари И.Мамажонов Низом асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Товар-моддий бойликлар сотиш ва етказиб бериш.

2. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. Махсулотлар куйидагиларча етказиб берилади. ККС сиз

№	Товар махсулот номлари	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Холодильник (морозильник)	дона	20	3 500 000	70 000 000
2	Холодильник	дона	4	5 000 000	20 000 000
	Жами:				90 000 000

2.2 Товарларнинг шартномавий умумий бахоси: Тўқсон миллион сўм 00т

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдоридан пул утказиш йули билан туловни амалга оширади колган 70% ни махсулот тулик етказиб берилгандан сунг 60 кун давомида тулаб берилади.

3.2. Товарлар «Сотувчи» "Сотиб олувчи" томонидан курсатилган манзилга етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 (бир) ойлик муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

4.2. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси орқали амалга оширилади.

4.3. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова қилинади.

4.4. Товарлар фақат Сотувчи корхонанинг номи ва шакли қарашли автомашинада етказилиши керак.

4.5. Сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

4.6. Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

5. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга, ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

6. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

-сотилган товар ҳақини тўлашни.

-товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни.

-шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни.

-сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

-Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз махсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда махсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

6.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида "Сотиб олувчи"га товарни етказиб бериш

- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;

- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;

- шартномада кўрсатилган микдордаги товарни топшириш;

- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;

- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.

"Сотувчи" етказиб берган махсулотларини хисоб-варақларда тулик ва аник махсулот категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Хисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

6.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотиб олувчи» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 % миқдорида жарима тулайди.

7.4. «Сотувчи» томонидан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (сотувчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра: худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

7.6. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

7.7. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Шартномани бузиш қуйидаги ҳолларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;
- товарларни етказиб бериш муддатларини бузиш.

7.8. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқалар

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 1(бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаса Иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йи «___» августдан 2022 йил «31» Декабрғача амал қилади. Шартнома тегишли газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга қиради.

10. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚОЙДАЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

10.1.«Сотиб олувчи» ва «Сотувчи» ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупсиявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

Пора таклиф қилмаслик; ваъда бермаслик;

Пул тўламаслик; товламачилик қилмаслик;

Бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик; пора олмаслик; бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик; мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик; ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

10.2. «Сотиб олувчи» ва «Сотувчи» атофдаги шахслар томонидан коррупсияга оид ҳуқуқ бузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

10.3. «Сотиб олувчи» ва «Сотувчи» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва (Давлат органи ёки ташкилотининг номи) ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол шартнома бўйича ўзидан бошқа тарафни хабардор қилиши шарт.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«ООО М-SANTEX PLUS" МЧЖ

Манзил: Учкўприк тумани Наврузшоҳ куча

Тел/факс: 93-644-47-17

Х/в: 20208000305306755001

Банк номи: Учкўприк Микрокредитбанк


МФО: 01052

СТИР: 307919756

ОКОНХ:

Рахбар: И.Мамажонов

М.У.



«Харидор»

Учкўприк тумани МТБ

Манзил: Учкўприк тумани Жалоер кишлоги

Тел/факс: 73-51-51-049

Ш/х/в: 100022860302217091100251001

Бюджетдан маблағ олувчининг

Стири: 305152844 ОКОНХ: 92400

Газначилик булинмаси номи:

Учкўприк туман Газначилик бўлинмаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Тошкент шаҳар Марказий банк ББ ХККМ

МФО: 00014

Газначилик булинмаси Стири: 201122919

Рахбар: Г.И.Хамидова

М.У.

(имзо)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ SN40708771



1. Loyihaning turi:

MAHSULOT YETKAZIB BERISH SHARTNOMASI

2. Loyiha ishlab chiqilgan va yuridik xizmat ko‘rsatish mark

kiritilganligi to‘g‘risidagi ma‘lumot:

Shartnoma loyihasi 2022-yil 24-avgust kuni Uchko‘prik tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga «E-Huquqshunos» elektron tizimi orqali taqdim qilingan.

3. Mahsulot yetkazib berish shartnomasining qisqacha mazmuni:

Uchko‘prik tumani MTB mudiri Gulchexraxon Xamidova bundan buyon bir tomondan «Sotib oluvchi» deb yuritiladi, Nizom asosida ish yurituvchi, ikkinchi tomondan "OOO M-SANTEX PLUS" MChJ raxbari I.Mamajonov Nizom asosida ish yurituvchi bundan buyon «Sotuvchi» deb yuritiladi va quyidagilar xakida ushbu shartnoma tuzildi.

Shartnoma loyihasiga ko‘ra,

1.2. Mazkur shartnomaning umumiy qiymati 90 000 000 (to‘qson million) so‘mni tashkil qiladi.

2.Hisob-kitob qilish tartibi

3.1. «Sotib oluvchi» tovar uchun oldindan, yetkazib berilayotgan tovarning 30% mikdorida pul utkazish yuli bilan tulovni amalga oshiradi kolgan 70% ni maxsulot tulik yetkazib berilgandan sung 60 kun davomida tulab beriladi.

3.2. Tovarlarni «Sotuvchi» "Sotib oluvchi" tomonidan kursatilgan manzilga yetkazib berishi shart.

4. Shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlari asosida o‘rganish:

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuniga, “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuniga, O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga, Vazirlar Mahkamasining “Davlat buyurtmachilari tomonidan tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) davlat xaridlarida uzluksizlikni ta'minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga va boshqa Qonunchilik hujjatlari asosida o‘rganildi.

“Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunning 30-moddasiga muvofiq, Xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish turlari quyidagilardan iborat: elektron do‘kon; boshlang‘ich narxni pasaytirish uchun o‘tkaziladigan auksion; eng yaxshi takliflarni tanlash; tender; to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha amalga oshiriladigan davlat xaridlari; O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari bilan ruxsat etilgan xaridlarning boshqa raqobatli turlari.

Xarid qilish tartib-taomillari elektron shaklda amalga oshirilishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentabrdagi Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi PF-6313-son Farmonining 3-bandi "v" kichik bandida xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog‘liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo‘shimcha shartlar belgilanishi ko‘rsatilgan. Loyihada korrupsiyaga qarshi qo‘shimcha shartlar belgilangan.

Elektron xarid maxsus portaliga joylashtirilgan (<https://etender.uzex.uz/lot/131316>) №22110012131316 raqamli lot bo‘yicha xarid komissiyasining bayonnomasiga ko‘ra OOO M-SANTEX PLUS" MChJ tanlov g‘olibi deb topilgan.

Moliyaviy hisob bilan bog‘liq masalalar xulosa predmetiga kirmaydi.

Shartnomasi loyihasini o‘rganib chiqib,

XULOSA QILINDI:

Mahsulot yetkazib berish shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik xujjatlariga muvofiq deb topilsin.

**Uchko‘prik tuman yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi boshlig‘i**



2022-yil «24» avgust

F.Do‘ltayev


ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

« 24 » 08 2022 йил

№ 4 сон

Учкўприк тумани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Учкўприк тумани Мактабгача
таълим бўлими мудури

Г.Хамидова

Учкўприк тумани бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан олинадиган музлатгич ва морозильник учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

Г.Хамидова

Қатнашдилар:

1. Д.Кодиров

2. О.Ҳакимов

3. О.Исмоилов

4. Л.Адхамов

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Учкўприк тумани бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига олинадиган махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан олинадиган музлатгич ва морозильник учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Учкўприк тумани бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига олинадиган махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан музлатгич ва морозильник учун ўтказилган электрон элонга раислик қилувчи Г.Хамидова сўзга чиқиб, ушбу элон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси


расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Мухокамама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайати:

Қарор қилади.

1. Мухокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан этирозлар ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб «ООО M-SANTEX PLUS» МЧЖни йиғилиш хайати ҳолиб деб элон қилсин.

2. Ҳолиб деб топилган қатнашчи «ООО M-SANTEX PLUS» МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартиба шартномаларни расмилаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси:



Г.Хамидова

Котиб:




О.Рустамов

Комиссия азалари:



Д.Кодиров



О.Хакимов



Л.Адхамов



О.Исмоилов

Учқўарик тумани Мактабгача таълими бўлимига карашли мттларга
музлатгичлар сотиб олиш буйича

НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ

т/р	Товар махсулотлар номи	ўлчов бирлиги	хажми	Изоҳ
1	Холодильник Artel HD 345 RN S, белый	дона	4	
2	Artel AFC300 Muzlatgich morozilnik morozilka	дона	20	
3	Жами	дона	24	

Юқоридагиларни тасдиқлаб имзо чекувчилар:

Учқўарик тумани МТБ мудири

Г.Хамидова

Учқўарик тумани МТБ бош ҳисобчиси

Э.Махсудов

Учқўарик тумани МТБ бош муҳандиси:

С.Акбаров

Учқўарик МТБ иқтисодчиси:

М.Махмудова

